

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«Химояга рухсат этилди»
Филология факультети декани,
ф.ф.д.**

_____ **С.Мисиров**
«__» _____ **2017 й.**

**5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (Немис тили)
таълим йўналиши битирувчиси
Исманова Моҳидил Анваржон қизининг**

**“БИЛВОСИТА ТАРЖИМАДА ҚАҲРАМОНЛАР
ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҚАЙТА
ЯРАТИШ (Э.М.РЕМАРК АСАРЛАРИ
ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)” мавзuidaги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**«Химояга тавсия этилди»
Немис ва француз тиллари
кафедраси мудири**

_____ **ф.ф.н., доц. З.Содиқов**
«__» _____ **2017 й.**

**БМИ раҳбари: ф.ф.н., доц.
З.Содиқов**

Наманган – 2017

Кириш

Асосий қисм

1.боб. Эрих Мария Ремарк антифашист ёзувчи.

1.1. Эрих Мария Ремарк ҳаёти ва ижоди тўғрисида.

1.2. “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарининг нашр этилиши тарихи ва асосий қаҳрамонлари тавсифи.

2-боб. Таржимада персонажлар нутқини қайта яратиш муаммоси.

2.1. Роман сюжети ва унинг ғоявий мазмуни тўғрисида.

2.2. Ремарк “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асари ўзбекча таржимасида қаҳрамонлар образи талқини.

2.3. Роман таржимасидаги усуллар тўғрисида

3-боб. Таржимада қаҳрамонлар ўзига хослиги талқини масаласи.

3.1. Асар персонажлари индивидуал хусусиятлари ва унинг таржимавий талқини ҳақида.

3.2. Таржимада персонажлар портретини қайта яратиш.

3.3. Асардаги образли тасвир воситалари таржимаси муаммолари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистонда чет тилларни ўрганиш ва таржима ишларини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мамлакатимизда китоб ва китоб мутолааси, уни тарғиб қилишнинг давлат сийсати даражасига кўтарилганлиги бугунги кунда таржима ишларининг нақадар муҳимлигини яна бир бор исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан 2012 йил 10-декабрда имзоланган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ” ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тилимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” номли 2909-сонли қарорида таълим тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, чет тилларни ўрганишни янада фаоллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилганлиги бугунги кун таржимашунослик фани олдига янада муҳим вазифаларни қўймоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда таржима ишларини давлатимиз сиёсати устивор йўналишлари сирасига киритилганлиги ва Ўзбекистон ОўЮ таълим тизимида таржимавий тадқиқот ишларини янада ривожлантиришга эътибор берилётганлиги, шунингдек, тараққийпарвар немис адабиётининг антифашист ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржималарини тарғиб қилишнинг муҳимлиги битирув малакавий ишимиз мавзусининг қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади.

Малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади билвосита таржимада қаҳрамон индивидуал хусусиятлари масаласини таҳлил қилишдан иборат. Ушбу ишни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Эрих Мария Ремарк антифашист ёзувчи эканлигини тавсифлаш;
- Эрих Мария Ремарк ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот бериш;

- “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарининг нашр этилиши тарихи ва асосий қаҳрамонларини тавсифлаш;
- Таржимада персонажлар нутқини қайта яратиш муаммосини таҳлил қилиш;
- Роман сюжети ва унинг ғоявий мазмуни тўғрисида фикр билдириш;
- Ремарк “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асари ўзбекча таржимасида қаҳрамонлар образи талқинини таҳлил қилиш;
- Роман таржимасидаги усуллар тўғрисида фикр билдириш;
- Таржимада қаҳрамонлар ўзига хослиги талқини масаласини таҳлил қилиш;
- Асар персонажлари индивидуал хусусиятлари ва унинг таржимавий талқини ҳақида муносабат билдириш;
- Таржимада персонажлар портретини қайта яратиш масаласига ойдинлик киритиш;
- Асардаги образли тасвир воситалари таржимаси муаммоларини ўрганиш.

Малакавий ишнинг объекти ва предмети. Малакавий ишнинг объекти буюк немис антифашист ёзувчиси Эрих Мария Ремаркнинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарининг немисча аслияти, унинг русча ва ўзбекча таржималари. Малакавий иш предмети эса, таржимада индивидуал ўзига хосликларни қайта яратишга оид мавжуд тадқиқотлар.

Малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти ундан ОЎЮОлари бакалавриат Немис тили йўналиши талабалари, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари немис тили амалий машғулотларида ҳамда шу муаммо бўйича турли реферат ва курс ишлари тайёрлашда фойдаланишларининг мумкинлиги билан белгиланади.

Малакавий ишнинг тузулиши. Битирув малакавий иш кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1.606. Эрих Мария Ремарк антифашист ёзувчи.

1.1.Эрих Мария Ремарк ҳаёти ва ижоди тўғрисида.

Эрих Мария Ремарк ўз даврининг таниқли кишиларидан бири бўлган ва ўзига хос бой тажрибага эга бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтган ижодкордир.

Болалиги. Эрих М. Ремарк 1898 йилнинг 22 июнида Германиянинг Оснабрюк шаҳрида тавваллуд топган. Унинг фамилияси бобосидан ўтган бўлиб, келиб чиқишига кўра французларга бориб тақалади.

Болалик йилларидан бошлаб Эрих адабиётга қизиқа бошлайди. Отаси китоб муқовалаш билан шуғулланганлиги боис уларнинг уйида китоб кўп эди. Эрихнинг акаси бетоб бўлганлиги сабабли онаси унга етарли вақт ажрата олмас эди. 5 йил касалланган акаси оғир хасталиқдан вафот этади. Бундан ташқари Эрихнинг яна иккита кичик сингиллари Эрна ва Элфридалар бор эди.

Элфрида туғилганидан сўнг Эрих мактабга бора бошлайди. У ўзининг она шаҳридаги Дом ва Йоханнес мактабларига қатнайди.

Мактабни тамомлаганидан сўнг Эрих дастлаб католик, кейинчалик кироллик семинарияларида ўқийди. Бу ерда у Ф.Хёрстемайер билан танишади. Айнан ана шу учрашув ёш Эрихнинг бир умрлик тақдирини, қандай йўлдан кетишини белгилаб беради. Чунки ушбу ижодкор Эрихда адабиётга бўлган хавасни уйғотишга муяссар бўлади.

Уруш йиллари.

1916 йилда Эрих М.Ремаркни армияга чақирди. У 3 йил хизмат қилди. Бу давр мобайнида унда муҳаббат, дўстлик ва уруш тушунчаларига бўлган муносабат шакланди ва ўзгариб борди. Уруш давомида 3 мартаба яраланди ва 1-даражали “Темир крест” билан мукофотланди. Аммо у 1919 йилда ушбу мукофотни олишдан бош тортди. Урушдан уйга қатиб

ўқитувчилар семинариясида ишлай бошлади ва бу ерда ўқитувчилардан уруш фахрийлари кенгашига бошчилик ҳам қилди.

Бўлажак ёзувчининг дастлабки ижод намунаси 1916 йилнинг июнида нашр қилинди. Унда бир ўсмирнинг урушдаги иштироки ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг 2-чи ижод намунаси “Мен ва сен” деб номланиб, унда энг яқин дўстининг бевақт вафоти тасвирланади.

1917 йилда Эрих саратон касалига чалинган онасидан айрилади. Бу ёзувчига жуда қаттиқ таъсир қилади ва ўзига иккинчи исм – Марияни ҳам олади. Ана шундан бошлаб Эрих Мария Ремарк деб номланиб келади.

Ёзувчининг ижоди ҳақида.

1919 йилнинг 14 февралидан бошлаб, аниқроғи Эрихнинг отаси уйланганидан сўнг Ремарк ўзининг дастлабки “Туш манрзараси” номли романини ёзади ва у 1920 йилда нашр этилади. Аммо кўп ўтмай Эрих ўзи ёзган романдан уяла бошлайди ва барча қолган нусхаларини ўзи сотиб олади.

Ремарк ҳеч қачон битта вазифада узоқ ушланиб қолмаган, ҳар 3-8 ойда алмаштираверган. Бунга аввало унинг характери ва янги шароит ва одамларга мослаша олмаслиги сабаб бўлаверган. Одатдагидек, барча бошлиқлар унинг ишини кузатиб боришган. Натижада унинг ҳатти ҳаракатлари хўжайинларга ёқмаганлиги боис, бўшаб кетаверган.

У педагог (ўқитувчи) касбини ташлаб кетганидан сўнг, гитарадан сабоқ берувчи, савдо дўконида сотувчи, бухгалтер, ёдкорлик тошларини ўрнатувчи каби касбларда ишлаб кўради. Аммо охир-оқибат у ёзувчиликка келиб тўхтади.

1921 йилдан бошлаб “Континентал садоси” номли журнал таҳририятида адабий танқидчи бўлиб ишлай бошлайди ва ўзининг дастлаб мақоласини эълон қилади. 1922 йилдан бошлаб реклама матнлари тайёрлайди, 1923 йилга келиб журнал муҳаррири вазифасига кўтарилади.

Ремаркнинг шахсий ҳаётига келадиган бўлса, у беқарорлиги, тез-тез аёлларни алмаштириши билан ажралиб туради. Аммо уларнинг айримлари ҳаётида муҳим из қолдиради. Эрих севиб қолган Эдит Дёррига оиласидагилар уйланишига розилик бермайдилар (бу аёл 1925 йилда унинг “Шпорт им билд” журнаliga ишга киришида муҳим ёрдам қилган эди). У бутун ҳаёти давомида 3 марта турмуш қурган.

1927 йилнинг августидан бошлаб Ремарк “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романи устида ишлай бошлади. Роман “Улштайн” нашриётида айрим шартлар билан, аниқроғи, агарда романи китобхонларп яхши кутиб олмайдиган бўлсалар, унинг нашр харажатларини муаллифнинг ўзи қоплаши лозимлиги шарт билан чоп этила бошланди. Романи нашр этишдан аввал унинг нусхалари турли даражадаги адабий танқидчилар нигоҳидан ўтказилди ва унга айрим тузатишлар ҳам киртилди. Шундан сўнг 1928 йилнинг 10-ноябрида романдан лавҳалар газетада эълон қилина бошланди. Роман тез орада шов-шувга сабаб бўла бошлади. Бир ойнинг ичида романи сотиб олиш истагида бўлган 30 минг киши нашриётга мурожаат қилди. Айнан ана шу китоб Германия китоб савдосидаги энг бозори чаққон романга айланди.

Ремаркнинг кейинчалик қуйидаги асарлари эълон қилинди:

1. “Қайтиш”.
2. “Уч оғайни”.
3. “Тантанавор арка”.
4. “Ўз яқинингни қадрла”.
5. “Ҳаёт учқуни”.
6. “Яшаш даври ва ҳалокат вақти”.

Ёзувчи 1970 йилнинг 25 сентябрида аорталар анивризми касаллигидан вафот этди.

Эрих Мария Ремаркнинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз китобхонларига эга. Дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Ўзбек

тилига Низом Комилов томонидан ўгирилиб, 2016 йилда “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилди.

Роман муқаддимасида муаллиф қуйидаги сатрларни битган: *“Бу китоб айбнома ҳам, авфнома ҳам эмас, бу шунчаки уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарак ўқидан омон қолган бўлсада, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изҳоридир.”*

Жаҳон адабиётида Эрнст Хемегуэй ва Эрих Мария Ремарклар илк бор уруш даврида руҳий мажрухликка учраган ёшларга нисбатан “йўқолган авлод” атамасини қўллай бошладилар. Бу роман Ваймар Републикаси давридаги Германия агрессив сиёсатининг мағлубияти натижаси бўлиб майдонга чиқди ва бутун дунё китобхонларининг эътиборини ўзига торта олди.

Ремарк уруш воқеаларини оддий аскар тилидан содда тилда юксак маҳорат билан тавсирлай олди. Бу катта жасорат эди.

1.2. “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарининг нашр этилиши тарихи ва асосий қаҳрамонлари тавсифи

Ёзувчи “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асари кўлёмасини ўша вақтларда Ваймар республикасида танилган ноширлардан бири Самуэль Фишерга топгиради. Фишер ҳақиқатдан ҳам матннинг юқори бадиий сифатда чоп этадиган мутахассислардан эди. Аммо ўша пайтда (1928 йилда) ҳеч ким биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги китобни ўқишни истамаганлиги сабабли нашриёт китобни муаллифга қайтариб беради. Кейинчалик Фишер бу иши ўз иш фаолиятидаги энг катта хатоси эканлигини тушуниб етади. Дўстининг маслаҳатига кўра Ремарк ўз романи кўлёмасини Haus Ullstein нашриётига топширади. 1928 йил 29 август куни шартнома имзоланади. Айна пайтда бу нашриётдагилар ҳам биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги бундайасарнинг қанчалик шухрат қозонишини билишмасди. Шу сабабли шартномада агар

роман ўз ўқувчиларини топа олмаса, унга кетган харажатларни асар муаллифи нашриёт учун хизмат қилиб, журналист сифатида қоплаши лозимлиги кўрсатиб қўйилди. Ноқулай ҳолатга тушиб қолмаслик учун нашриёт асарнинг айрим нусхаларини биринчи жаҳон уруши катнашчиларига тақдим эта бошлади. Натижада китобхонларнинг танқидий муносабатлари пайдо бўлиб, асар матнининг айрим жиҳатлари, хусусан урушга оид эпизодларини қайта ишлашга тўғри келди.

Жумладан қўлёзманинг дастлабки вариантларида қуйидаги матн бор эди:

“Биз одамларни ўлдирдик ва уруш олиб бордик: буни ҳеч қачон унутмаймиз, чунки бизнинг тафаккуримиз ва қилган ишларимиз бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Биз мунофиқ ҳам, ўн та бирлашган қўрқоқ ҳам эмасмиз, биз бюргерлар қаторига ҳам кириб улгурмаганмиз, бир-биримизнинг кўзларимизга тик боқа оламиз. Биз Ватан учун бирор бир гоёвий мақсадимиз бор деб, ўзимизни оқламоқчи эмасмиз. Биз ўзимиз билмаган, танимаган, бизга ҳеч нарса қилмаган одамлар билан урушдик ва уларни ўлдирдик. Аҳир аввалги муносабатларга қайтиладиган бўлса, нима содир бўлади? Биз йўлимизга тўсқинлик қилган ҳар қандай кимсаларга қарши курашдик. Бизга таклиф этилган мақсад-муддаони нима қилса бўлади?. Бундай бемаъни хотиралар гирдобига чўмиб, таътилим давомида чуқур ўйлаб қарасам, барчаси пуч, сунъий, ўзини “жамият” деб атовчи кимсалар томонидан ўйлаб топилган тартиб интизом бўлиб, бизни у ҳеч қачон қониқтирмаган ва бизга ҳеч нарса бера олмаган ҳам экан. Натижада биз яккаланиб қолдик ва шундай ҳолатда ўсаверамиз: кимдир жимиб қолар, кимдир ўз қурол-яроғидан ажралгиси ҳам келмайди.” (Ремарк. Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ. Романдан парча. Рус тилидаги Михаил Матвеев матнидан таржима.)

Ниҳоят, 1928 йилнинг кузида қўлёзманинг охириги варианты тайёр ҳолатга келди. Ўзаро келишувнинг 10 йиллиги муносабати билан 1928 йилнинг 8-ноябрида Haus Ullstein концернига қарашли Берлинда чиқадиган «*Vossische Zeitung*» газетасида асардан парчалар эълон қилинди. “Ғарбий

фронгда ўзгариш йўқ” романи муаллифи деярли адабий маҳорат тажрибасига эга бўлмаган ҳаваскор адиб, китобхонларга урушда қатнашган оддий бир аскарнинг руҳий мажрухликдан халос бўлиш илинжидаги дил баёни аносида таништирилади.

Ҳақиқатдан ҳам *Vossische Zeitung* газетаси ўтган мудҳиш уруш тўғрисида ана шундай асар кўринишида бўлса ҳам ўз “ҳисоботи”ни беришга бурчли эди.

Шу кундан бошлаб, мазкур роман ва унинг муаллифи тўғрисидаги дастлабки маълумотлар элга тарқатила бошланди. Натижа ёмон бўлмади. Роман босила бошлаши билан Haus Ullstein концернига қаршли бўлган ушбу газетанинг адади бир неча маротаба ортиб кетди. Таҳририятга мухлислардан “бўяб-бежаб кўрсатилмаган уруш” тасвирига асосланган асар тўғрисида кўплаб хатлар кела бошлади. Ҳали китоб чиқиб улгурмасидан, аниқроғи 1929 йилнинг 29 январига қадар 30000 дан ортиқ китобхондан буюртмалар келиб тушди. Концерн китобни бир вақтнинг ўзида бир неча бомахонларда чоп этишга киришди. “Ғарбий фронгда ўзгариш йўқ” романи Германия китоб савдосидаги энг бозори чакқон асарга айланиб улгурди. 1929 йилнинг 7 майига қадар нашр этилган китобнинг адади 500 мингтага етди. Ўша йилнинг ўзидаёқ асар 29 тилга таржима қилинди, жумладан рус тилига ҳам. Асарнинг русча таржималари сирасида Юрий Афонькинники алоҳида аҳамият касб этади.

Асосий қаҳрамонлар:

Пауль Боймер – бош қаҳрамон. Асарни ҳикоя қилиш унинг номидан олиб борилади. Паул 19 ёшида кўгилли бўлиб фронтга кетишга қарор қилади ва уни Ғарбий фронтга юборадилар. Натижада у уруш воқеълигининг шавқатсиз бажараси билан дучлашади. 1918 йилнинг 11 октябрида вафот этади.

Алберт Кропп – Паулнинг синфдоши, у билан бир ротада хизмат қилади. Роман муқаддимасида Пауль уни қуйидагича таърифлаб беради:

“Ўзи пакана бўлса ҳам ротамизнинг энг ақлли кишиси”. Оёғини йўқотади. Фронт ичкарасига юборилади. У бутун урушни бошдан кечирганлардан бири.

Бешинчи Мюллер – Паулнинг синфдоши, у билан бир ротада хизмат қилган. Дастлаб Паул уни қуйидаги тарзда таърифлайди:

“... ҳонузгача имтиҳонлардан имтиёз билан ўтиш учун дарсликларни ўзи билан олиб юради. Ўт-аланга ичида бўлса ҳам физика қонунларини ўрганайди”. Қорин қисмига ракета асколкаси тегиб вақот этган.

Лейер – Паулнинг синфдоши. У билан бир ротада хизмат қилган. Роман бошланишида Пауль уни қуйидагича тасвирлайди: “Қоматли совол қўяди, қизларга шилқимлиги бор”. Осколка унинг жағини олиб кетган. Кўп қон йўқотишдан вавот этган.

Франц Кеммерих - Паулнинг синфдошларидан бўлиб, бир ротада хизмат қилган. Романдаги воқеалар ривожлангунга қадар жиддий яраланиб, оёғидан ажралган. Ампутациядан бир неча кун ўтиб Кеммерих вақот этади.

Иозеф Бем – Боймернинг синфдоши. Канторекада сўзлаган ватанпарварлик кайфиятидаги нутқига қарамасдан синфда кўнгилли бўлиб урушга боришни истамаган ягона ўқувчи. Аммо синф раҳбари ва синфдошларининг қистови билан урушга боришга ёзилишга кўндирилган. Бем урушга расмий чақирувига 3 ой қолганида ўқ тегиб, оламдан ўтган.

Станислав Катчинский (Кат) — Боемер билан бир ротада хизмат қилган. Роман муқаддимасида Паул уни қуйидагича тасвирлайди:

“бўлимимизнинг рухи, ўзига хос характер эгаси, ақлли ва уддабурон 40 ёшли, бўзарган юзли, мовий кўзли, отишма қачон бошланишини олдиндан ҳид

билгандек биладиган, бошлиқлардан қандай қочиб қутулиш иложини топа оладиган киши.” Катчинский мисолида урушдаги тажрибали, ёши катталар билан кечагина фронтга келганлар орасидаги фарқни ажратиб олса бўларди. 1918 йилнинг февралда оёғидан яраланди, Паул уни санитарларга элтмоқчи бўлиб, йўлда кетаётганида унинг бошига ўқ тегиб ўлди.

Тяден – Боймер билан бир ротада хизмат қилиб, унинг синфдоши бўлмаган дўстларидан бири. Асар бошланишида Паул томонидан унга қуйидагича таъриф берилади: “чилангар, ротадаги энг кўп овқат ейдиган, овқатга ўтиришдан аввал ориққина бўлиб кўринсада, тураётганида дўмбалокқина бўлиб оладиган ўсмир башара йигит.” Сийдик чиқариш тизимида нуқсони борлиги боис, гоҳи жойига ҳўллаб ҳам қўяди. Ротадаги 32 тирик қолганлардан бири бўлиб, урушнинг охиригача бора олди. У Ремаркнинг прок яратилган кейи“Қайтиш” романида ҳам пайдо бўлади.

Хайе Вестхус – Паулнинг дўсти, у билан бир ротада хизмат қилганлардан бири. Асар бошида Паул уни қуйидагича таърифлайди:

“тенгдошимиз, қўлига бир буханка нонни олиб, - қани топингларчи, қўлимда нима бор? дея оладиган торф қазувчиси”.

Бўйдор, бақувват, юмор туйғуси бўлмаса-да, муҳими ақлли йигит. Ўт-аланга ичида кураги парчаланган бўлса-да, чиқиб кела олган. Аммо кейинчалик вафот этди.

Детеринг – Боймер билан бир ротада хизмат қилиб, мактабдош бўлмаган дўстларидан бири. Асар муқаддимасида Паул у ҳақда шундай дейди:

“фақатгина ўз хўжалиги ва хотини ҳақидагина ўйлайдиган деҳқон”.

Германияда ҳарбий қисмдан қочган. Қўлга тушган. Ундан кейинги тақдири номаълум.

Канторек – Паул, Лейер, Мюллер, Кропп, Кеммерих ва Бемларнинг синф рахбари. Паул уни қуйидаги тарзда таърифлайди: “сичқонсифат башарали, кулранг сюртук кийиб юрадиган кичкина қаттиққўл киши”. Канторек бешавқат уруш тарафдори бўлиб, ўз ўқувчиларини кўнгилли бўлиб урушга кетишларини тинмай тарғиб қилиб келади. Кейинчалик унинг ўзи ҳам урушга кетди ва ўз ўқувчиси билан жанг қилишга тўғри келган. Кейинги тақдири номаълум.

Бертинк – Паулнинг рота командири. Қўл остидагиларга яхши муносабатда бўлади ва улар ҳам ўз кўмондонларини ёқтирадилар. Паул уни қуйидагича таърифлайди: “у чинакам жангчи, зобитлигига ҳам садоқати чексиз бўлиб, доимо жангда олдинги қаторда туради”. Ротани ҳимоя қилиш мақсадида кўкрагидан яраланган. Ўша жангда вафот этган.

Капрал Ҳиммелштос – бўлим командири. Унинг қўл остида Боймер дўстлари билан жанговар тайёргарликдан ўтишган. Паул уни қуйидагича таърифлайди: “У казармадаги энг муштумзўр ва жоҳил бошлиқлардан бири эди ва бу билан фахрланиб юрарди.

Ўзи кичкина бўлсада, юқорига қараб ўсган малларанг мўйловли, аввал почтачи бўлиб ишлаган, ўн икки йил ҳарбий хизмат қилиб қўйган чайир киши”. У, айниқса, Кропп, Тяден, Боймер ва Вестхаусларга шавқатсизларча муносабатда бўларди. Кейинчалик у фронтга, Пауль ротасига юборилди ва бу ерда ўз айбларини ювишга ҳаракат қилди. Таътилга кетган ошпаз ўрнини билинтирмай туришга интилди, Хайе ва Вестхаусларни уруш оловларидан олиб чиқишга ёрдам берди. Кейинги тақдири номаълум.

Йозеф Ҳамахер – Паул Боймер ва Алберт Кроплар вақтинча жойлаштирилган католик госпитал мижозларидан бири. У госпитал иш фаолиятини жуда яхши тушунади ва касалларнинг “гуноҳларидан фориқ бўлишлари” усулларини ҳам эгаллаган. Бу имконият унга уруш вақтида

бошидан яраланганидан сўнг инъом этилган. Аммо буларга қарамй Ҳамахер рухий жиҳатдан соғлом киши.

2-боб. Таржимада персонажлар нутқини қайта яратиш муаммоси

2.1. Роман сюжети ва унинг ғоявий мазмуни тўғрисида

Аскарлар фронт чизиғидан 9 чақарим нарида кечки овқатни танаввул қилмоқдалар. Уларга икки ҳиссадан иссиқ овқат, тамаки тарқатилмоқда. Чунки урушдан ортга 150 ўрнига фақатгина 80 кишигина қатган холос. Тунги дамдан сўнг овқатга тирбандлик тушликданоқ бошланган. Бу қаторда 19 ёшли аскар Паул Боймер ўзининг синфдошлари: ефрейтор Абберт Кропп, физика фанидан имтихон топшириш орзусида юрган Мюллер бешинчи, зобитлар учун иславохонлардаги аёлларга иштиёқи юқори бўлган Лейер билан бирга турибди. Улар қаторида, шунингдек, зукко чилангар дўсти Тяден, торф қазувчилик билан донг таратган Хайе Вестхаус, уйланган дехқон Детеринг, қирқ ёшли айёр киши Станислав Качинскийлар ҳам туришибди.

Ошпазнинг қип-қизарган тепакаллиги боис аскарлар “Помидор” деб аташади. Рота командири буйруғидан сўнг у икки ҳиссадан овқат тарқатишга мажбур бўлади.

Тушдан сўнг аскарлар хат ва газеталар оладилар. Улар мудҳиш хабарларни ўқийдилар, рухий изтиробни бошдан кечирадилар. Айни пайтда карта ўйнайдилар ва ўзаро суҳбатлашиб, вайсашадилар. Юқорида номлари зикр этилган дўстлар ўзларининг собиқ синфдошлари Канторекдан мактуб оладилар. Паул синфдошларнинг кўнгилли бўлиб урушга кетишга рўйхатга турганликларини эслайди. Синфдошлар орасида фақат Иозеф Бемгина кўнгилли бўлиб урушга кетишга қарши эди. Аммоу биринчилардан бўлиб урушда ўлади. У урушда ўзига келганида, энди унга ҳеч ким ёрдам бер олмас эди.

Аскарлар лазаретга тушиб қолган дўстлари Кеммерихни кўргани борадилар. Врачлар унинг оёғини кесиб ташлагандилар. Бемор тез орада ҳаётдан кўз юмишини ўзи ҳам билмасди. Мюллер унинг ўлимини кутиб туришга қарор қилади ва унинг инглизча баланд пошнали ботинкасини олади.

Паул ёшлар учун уруш қанчалик қийин бўлганлигини фикридан ўтказди. Ёши каттароқ кишилардан фарқли равишда бу йигитларнинг на бир касблари, на бир ҳаёт тажрибалари, на бир турмуш ўртоқлари ёки фарзандлари бор эди. Асар бошқаҳрамони 9 ой давомида қандай қилиб ҳарбий санъатга ўрганишларини ҳикоя қилиб беради: 9-бшлимнинг командири, унтер офицер Химмелштоснинг ёш аскарларга имкониятларидан ташқаридаги буйруқларни бажаришга мажбур қилганлиги ва уларнинг сабр қосалари тошиб кетганлигини тасвирлар экан, бу жиҳатлар уларнинг окопларда қол келганлигини ҳам унутмайди. Ёшларнинг урушдан олган ягона ижобий хислатлари бу ўзаро дўстлик, ҳамкорлик эди.

Кеммерих энди дунёдан ўтаётганлигини ҳис қилаётган эди. Паул дўстига далда бўлишга ҳаракат қилади. Кеммерихнинг ўзи ботинкасини Мюллерга бериш кераклигини айтади. Бир соатдан сўнг у ўлади.

Ротага тажрибали ҳарбийлардан бўлган Катчинский кўшилади. Тажрибали ҳарбийлар билан янги келган тажрибасиз аскарлар ўртасидаги муаммолар пайдо бўлади. Ўртоқлар оддий почта хизматчиси Химмелштоснинг қандай қилиб аскарларнинг қонини ичадиган ҳарбийга айланиб қолганлигига ҳайрон қоладилар. Тяден дўстиларини унтер офицернинг уларнинг ротасига келаётганлигидан хабардор қилади. Улар шавқатсиз қўмондонинг буйруқларини бажармасликка қарор қиладилар. Кейинги кун саҳарда аскарлар фронтга кетадилар.

Фронтнинг олдинги чизиғига дастлаб сапёрларни ташлайдилар. Улар калин туманда ишлашларига тўғри келади. Фронт майдони француз

ракеталари билан ўққа тутилади. Иш тугаганидан сўнг сапёрларни уйку тортади ва англизлар улар позицияларини ўққа тутадилар. Янги келган аскар Паулнинг пинжига яширинишга ҳаракат қилади. Аскарларга яраланган отларнинг кишнашлари эшитилади. Одамларни зққа тутилганидан сўнг навбат отларга келган эди.

Тонги учларда уруш чизигига жўнаган аскарлар ўқлар ёмғирига дуч келадилар. Улар қабристонга беркинишга мажбур бўладилар. Паул қабрга беркинади. Инглизлар газ ҳужумини бошлайдилар. Снарядлар қабрларни ҳам омону фалакка кўтариб урадилар. Ўликлар яна бир бор ўладилар. Паул Качинский билан биргаликда қийналиб ўлаётган янги аскарга ёрдам бермоқчи бўладилар, аммо замбилда лазаретга олиб боришга улгурмайдилар.

Баракларда тўпланган аскарлар урушдан кейин нима қилмоқчи эканликларини ўртоқлашадилар. Хойе хотини билан бир ҳафта уйдан чиқмай яшашни орзу қилади. Торфзорга қайтиб келиб аскар ҳарбий хизматда муддатидан кейин ҳам шартнома асосида қолишни маъкул кўради. Тяден Ҳиммелштосни ҳақорат қилади ва унинг буйруқларини бажармайди. Улар тарқалишганларидан сўнг аскарлар урушдан кейинги тинч ҳаёт ҳақидаги орзуларини давом эттирадилар. Кропп фикрича, бунинг учун аввал тирик қолиш лозим. Паулнинг фикрига кўра, улар кутилмаган нарсани амалга оширишлари керак. Бунга қадар Ҳиммелштос юқоридагиларга арзини айтиб бўлган ва Кроппни ҳам у ерга чақирилган эди. Взвод командири Бертинк Тяден ва Кроппни 1 сутка қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Катчинский ва Паул полклари кушхоналаридан бирида ғоз ўғирлагани борадилар. Ўзлари топган эски саройлардан бирида ғозни қовурадилар. Қовурдоқнинг бир қисмини гаупвахтадаги дўстларига олиб борадилар. Аммо шунда душман ҳужуми бошланиб қолади. Раҳбарият аскарларга гўр тайёрлаб кўяётган эди... . Уруш майдонига каламушлар ҳам келадилар. Улар аскарларнинг нонларини ўлжага олганлар. Аскарлар бу махлуқларга ҳужум уюштирадилар. Аскарлар яна бир неча кун душман ҳужумини кутадилар.

Бир неча тунги хужумлардан сўнг янги келганлар ўзларини йўқота бошлайдилар, ақл озишларига оз қолади, окопларда даҳшатга туша бошлайдилар. Ўққа тутиш тугаганидан сўнг французлар хужумга ўтадилар. Немислар уларга қарата гранаталар улоқтирадилар ва ортларига чекинадилар. Кейин контратака бошланади. Немис аскарлари французларнинг эгаллаб турган фронт чизиғига борадилар. Раҳбарият уларни ортга қайтаришга урунади. Ортга қайтишларида улар француз тушенкалари ва гўштларидан олиб қайтадилар.

Постда турган Паул кечки пайтда эски тераклар ўсадиган ҳудудда кадростлаб турган Соборда бўлиб ўтган воқеани эслайди. Аскар урушдан кейин уйига қайтадиган бўлса, энди аввалги тинч ва сокин даслардаги ҳиссиёига ҳеч қачон қайта олмайди. Уруш уни атрофидаги барча нарсаларга нисбатан бетаъсир қилиб қўйганди.

Кундан кунга уруш авжига чиқарди, Хужумга қарши яна хужум ташкил этилади. Окоплар, хандаклар ўликларга тўлиб тошарди. Яраланганлар бир неча кунлаб бақирарди. Аммо ҳеч ким уларнинг оҳини эшитмасди. Аскарлар устидан капалалар учиб ўтади. Каламушлар энди ўликларни кемиришга ўтишганди. Асосий ўликлар янги келганларга тўғри келарди. Улар ҳали уришиш нималигини билмасдилар.

Навбатдаги хужумлардан бирида Паул Химмелштоснинг окопларда қандай қилиб жон салаш тўғрисидаги ўғитларини эслаб қолди. Аскар ўз бошлиғини уруш майдонидан чиқиб кетишга зўрлаган ҳоллар ҳам бўларди. Тажрибали жангчилар ёшларни урушиш қоидаларига ўргатардилар, аниқроғи, тирик қолиш санъатига ўргатардилар. Олдинги чизиқдаги уруш майдонидан фақат 30 кишигина орқасига қайтиб келди.

Фронт ортида Химмелштос тинчилик пайтидаги ҳарбий машқларни ўргатарди. Улар зобитлар ошхонасидан овқат ейишарди ва бу уларни тўла каноатлантирарди. Паул Кропп билан ёруғ рангли куйлак ва бежирим туфли

кийган чиройли аёл сурати чизилган фронт театри афишасига назар ташларди. Тунда Паул, Кропп ва Катчинскийлар дарёдан сузиб ўтиб француз хонимлариникига ташриф буюришарди. Улар оч қолган француз аёлларига нон, колбаса бериб, эвазига муҳаббат олишарди.

Паулга 17 кунга таътил беришди. Ундан сўнг у фронт ортидаги лагерлардан бирига ўқишга келиши лозим эди. Уйда уни катта синглиси Эрна кутиб олди. Соғинчдан Паул куўз ёшларини яшира олмади. Онасини тўшакда ётган ҳолда кўрди. Унда саратон бор эди. Отаси тинмай урушдан сўрарди. Немис тили ўқитувчиси Паулни кафега таклиф қилди ва бу ерда қандай қилиб жанг қилиш кералиги ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Паул китоб ўқиб узоқ ўйга толади ва унга қачон илгариги қувончли туйғулар қайтиб келишини кутади. Кутаверганидан зерикиб яна казармага Миттелштос ҳузурига қайтади. Иккинчи йилга хизмат қилишга қолган Канторек ҳам шу ерда эди.

Паул ўз қондошлари билан фронтдан келтирган озиқ овқатларини бўлишади. Кеммерихнинг онасига ўғли юрагига ўқ тегиб тезда жон таслим қилди, деб тушунтиради у. Паул онаси кровати ёнидан туриб кета олмайди. Онаси ўғлидан ажралишни истамайди. Қахрамон таътил олганидан ҳам пушаймон қила бошлайди.

Ҳарбий лагерь ёнида рус ҳарбий асарлари лагери жойлашган эди. Паул уларга ҳам ачинган бўлади. У немисларнинг руслар билан кимнингдир буйруғига кўра душман бўлиб қолганликларини тушунади. Яна қачондир шундай усулда улар дўст бўлиб қолишларига ишонгиси келади. Фронтга жўнашдан аввал Паул отаси ва синглисини кўргани боради. Онасини касалхонага операция қилиш учун жойлаштирадилар.

Фронтда Паул ўз дўстларини тирик кўргуси келади. Кайзер кўшинлар кўригини ўтказарди. Аскарлар уруш сабаларини муҳокама қилишади ва оддий кишиларнинг бундай мунозараси ҳеч қандай натижага олиб

келмаслигини тушунишади. Паул фронтда разведкага бориш истагини билдиради. Уруш пайтида у гўё яраланган ҳолга тушади. Бошқа яраланган француз тақдирига кўмаклашишга урунади, унга овқат, ичкилик беради. Аммо тунда француз вафот этади ва Паул ўлган французнинг уйига пул юборишни ният қилади.

Аскарлар қишлоқни ҳимоя қилардилар. Бу ердан улар чўчка боласи ва бошқа егуликлар топишади. Кун бўйи қоринларини тўйдириш билан машғул бўладилар. Шу алфозда уч ҳафта ўтади. Орқага чекинаётганларида Паул ва Кропп яраланадилар. Кропп оёғидан яраланади. Дўстларни санитар поезде уйларига олиб келади. Йўлда Кроппнинг ҳарорати кўтарилиб кетади. Паул у билан поезддан тушиб қолишига тўғри келади. Дўстлар католик монастирнинг касалхонасида ётадилар. Маҳаллий врач касаллардаги яссиоёқликни даволашга ҳаракат қилади. Кроппнинг оёғини кесиб ташлайдилар. Паул юра бошлайди. Бемор Левандовскийни хотини кўргани келади. Улар палатанинг ўзида севги билан шуғулланадилар. Ёзга келиб Паулга касалхонадан жавоб берадилар. Қисқа таътилдан сўнг у фна фронтга қайтади.

Детеринг гуллаётган олчани кўриб уйига қочиб кетади. Мюллер ёнаётган раета ўқидан вақот этади. Лейер оёғидан яраланиб ўлади. 1918 йил ёзида Катчинский, октябрида Паул вафот этади.

2.2. Ремарк “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асари ўзбекча таржимасида қаҳрамонлари образи талқини.

1929 йилдаёқ, яъни Эрих Мариа Ремаркнинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарнинг аслияти Германияда нашр этилиши биланок собиқ СССРда рус тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Ремаркнинг “Қайтиш” романи эълон қилинганидан сўнг, ўзига хос “ремаркизм” деган термин пайдо бўла бошлади.

50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Ремарк асарлари бирин-кетин катта тиражда нашр қилина бошлади. Энди Ремарк асарлари Ғарб муаммаллифлари орасида энг кўп босиладиган асарлар қаторига кирди.

Хўш, Ремарк ижодининг сири, уни китобхонларни маҳълиё филган жиҳати қаерда эди? Балки унинг муаллифи ўз ҳайтида, бошидан кечирган изтироблари, фиғон-нолаларининг натижасидир. Деярли ҳар бир персонажда асар муаллифининг изтиробларига дучор бўласиз. У, Ремарк, ҳақиқатдан ҳам биринчи жаҳон урушида иштирок этган ва ана шундай ҳолатни ўз бошидан ўтказган киши эди. У ўз асарларида Ваймар республикасини тасвирлар экан, худди қаҳрамонларидек қувғинга учрагани, фронт изтиробларини бошидан кечиргани ҳақиқат эди.

У ўз ижодида фашизмни, унинг тузумини, жаҳон урушини қаттиқ танқид остига олади. Уруш муаллифни кўлига қалам олишга мажбур этади. У биринчи жаҳон урушига кўнгилли сифатида жўнаб кетади, аммо, орқага урушни лаънатлайдиган, зулмни, милитаризм, зўравонликни қоралайдиган инсон бўлиб қайтади. Унинг ҳар бир қаҳрамони Ремаркнинг уруш давомида кўрган-кечирганлари, қалб тугёнларининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайдилар .

Ремарк аксарият асарларини биринчи шахс тилидан баён қилади. Бу билан бўлайтган воқеъликка ўз мсуносабатини бевосита намоён эта олади. Ремарк қаҳрамонларини икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси – урушга келган оддий аскар, аммо у нима учун урушаётганини охиригача англаб ета олмайди. У урушнинг бутун даҳшатини бошидан ўтказар экан, ўз олдида тинимсиз саволлар қўяверади ва бу тизимни ўзгаритишга, ҳеч бўлмаганда бунинг учун ҳаракат қилиб кўришга интилади. Иккинчи тоифадаги қаҳрамонлар эса, бу эмигрантлар, ўз мамлакатларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган мухожирлар. Улар ҳам урушдан изтироб чекадилар ва дунёни ўзгартиришга ҳар томонлама ҳаракат қиладилар.

“Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романининг бош қаҳрамони Паул Боймердир. У ҳам Ремарк каби мактабни тугатибоқ фронтга жўнайди. У ҳам муаллиф каби номаъқбул тузум шароитида яшайди. У ўз Ватанини севади, унга жонини фидо қилишга тайёр. Умуман, Ремарк қаҳрамонларининг аксариятида ана шундай туйғу бор. Аммо, урушда улар билан нима содир бўлади? Улар энди қадриятларга ўзгача муносабат билан қарай бошлайдилар: “Энди биз ниманидир тушуна бошладик! Уруш нима эканлигини тушундик!” дейишади. Лазаретдагина урушнинг ҳақиқий башарасини била олар экансан, - деб таъкидлашади улар. Паулни у кимни ўлдиришга мажбур эканлиги фикри, саволи қийнай бошлайди. Бундай талофот, қурбонларга улар арзийдими? Бу кимнинг буйруғи билан амалга оширилмоқда? Улар ҳам биз каби оддий инсонларку?

Энди биринчи ўринга фрондаги дўстлик, ўзаро қўллаб қувватлаш ҳиссиётлари чиқади. Паул ўзига шундай саволларни бера бошлайди: “Мен ҳали ёшман, ҳайтда ўзи нимани кўрдим, фақат мудҳиш ўлимни, кўрқувни, изтироб ва бемаъни зўравонликни”.

Ремаркнинг ҳар бир эмигрант қаҳрамонлари тақдирида ҳам шунга ўхшаш хусусиятларни, Германия фашизмига нисбатан чексиз нафратни учратамиз. Аммо Ремарк қаҳрамонлари қандай қийинчиликларга дуч келишмасин, инсонга, одамийликка бўлган муҳаббатларини, уларга нисбатан ишончларини йўқотмайдилар.

“Ҳаёт – бу ўз номи билан ҳаёт. Унинг қиймати унга қандай муносабатда бўлишга боғлиқ. Ундан юз ўгирилса, ҳеч қандай қиймати қолмайди. Бу ҳам қийин эмас. Аммо инсон ўзи бу дунёга нима учун келган? Унинг зиммасида қандай масъулият бор? Ана шу масъулият ҳар бир инсон қалбида яшайтганлигини унутмаслик лозим. Сенинг арзимаган саъй-ҳаракатинг ҳам нимадир аҳамият касб этади. Шу сабабли инсон яшаш учун куршишдан

толмаслиги лозим. Сен нафас олаётган экансан, курашишдан толмаслигинг керак, - дейди Ремарк қахрамонлари.

Ремарк қахрамонлари кўпинча ўтмиш ва келажа орасидаги бўшлиқ ҳолатига тушиб қоладилар. Улар бундай ҳолатлардан чиқиш йўлларини ахтарадилар, бир-бирларига кўмаклашиш, биргаликда курашиш йўлларини излайдилар.

Ремарк қахрамонларига хос бўлган яна бир муҳим хусусият уларнинг ўз шаънлари ва эркинликларини сақлашга бўлган қатъий интилишларидир. Айни пайтда улар айнан ўз шахсий хавфсизликлари, ўз тақдирлари учунгина яшамайдилар. Дунёни ўзгартиришда ёлғиз отнинг чанги чиқмас, - деган нақлга амал қиладилар.

Айни пайтда ўзгармас қийматга эга бўлган муҳаббат мавзуси ўшайдайлигича қолганлигини таъкидлаш лозим. Гарчи бу муҳаббат интиҳоси алдамчи, беқарор ва фожеали тугаса ҳам.

Хўш, муаллиф ўнинг ўз қахрамонларига бўлган муносабати тўғрисида нима дейиш мумкин? Аммо биз бутун асар давомида бу саволга жавоб топа олмаймиз. Ремарк ўз ижодида бу саволга жавобни очик қолдиради. Биз ширакайфликка бўлган танқидий муносабат, гарчи хайтнинг ўзида жиддий бир мақсаднинг ўзи қолмаган бўлсада, муҳаббатга нисбатан енгилтаклик муносабатлари тўғрисида сўз юритилганда ҳам муаллиф негадир жим туришни маъқул кўради.

Асар бош қахрамони Боймер. Муаллиф асардаги деярли барча воқеаларни ана шу қахрамон тилидан баён қилади. Бошқа персонажлар у ёки бу даражада Паул Боймерга узоқ-яқинликларига қараб тасвирланади.

Аскарларга одатдагидан кўпроқ овқат тарқатиш эпизодини муаллиф Боймер образи тилидан қуйидагича ифодалайди.

Немисчаси:

Dabei steht uns diese ganze Bescherung eigentlich nicht zu. So splendid sind die Preußen nicht. Wir haben sie nur einem Irrtum zu verdanken. (S.3)

Маъноси:

Тўғриси айтганда бундай совға улашишлар бизга хос эмас. Чунки Прусслар бундай қилмайдилар. Биз улар йўл қўйган бу каби хатолар учун миннатдор бўлишимиз лозим.

Русча таржимада:

А ведь, собственно говоря, все это нам вовсе не положено. На такую щедрость начальство не способно. Нам просто повезло.

Маъноси:

Ахир, ростини айтганда, бизга бундай қилиш кўзда тутилмаган. Рахбарият бунга қодир эмас. Бизнинг шунчаки омадимиз келиб қолди. (3.стр.)

Ўзбекча таржимаси:

Энди, гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсам, бу нарсалар бизга ножоиз. Бундай хотамтойлик бошлиқларимизнинг тушига ҳам кирмайди. Бу гал бизнинг омадимиз кеп қолди-да. (6-бет)

Ўзбек таржимони Низом Комилов русча таржима матни асосида иш қўрган. Рус таржимони Ю.Афонкин аслиятдаги айрим сўзларни ўзгартирганлиги кўриниб турибди. Жумладан, Dabei steht uns diese ganze Bescherung eigentlich nicht zu деганда, рус тилидаги матнга киритилган “А ведь, собственно говоря” (ахир, тўғриси айтганда) лар мавжуд эмас. Бу рус таржимонининг “қўшимчаси”. Низом Комилов буни янада таъсирчанроқ қилиб “Энди, гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсам” варианты билан янада кучайтиришга эришган. Айни пайтда русча матнда немисча аслиятдаги айрим жиҳатлар тушириб қолдирилганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Жумладан, Ремарк “So splendid sind die Preußen nicht” (Прусслар бундай саховатли эмаслар) дейди. Натижада русча матнда бутун бошли “Прусслар” тушуриб қолдирилган. Ушбу қусур ўзбекча таржимага ҳам ўтиб қолиши табиий.

Асар аслиятида персонажлар индивидуал хусусиятларини ярқол кўрсатиб берадиган ўзига хос образли сўзлар таржимада турли иборалар билан қайта яратилганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.

Немисча аслиятда:

Nun aber gab es gerade am letzten Tage bei uns überraschend viel Langrohr und dicke Brocken, englische Artillerie, die ständig auf unsere Stellung trommelte, so daß wir starke Verluste hatten und nur mit achtzig Mann zurückkamen.

Маъноси:

Аммо кейинги кунларда инглиз артиллериясининг оғир ва узун замбараклари тинмай бизга хужум қилди. Биз кўп лалофатлар беришимизга тўғри келди ва фақат саксон кишигина омон қайта олишди.

Русча таржимаси:

Но как раз в последний день англичане вдруг подбросили свои тяжелые «мясорубки», пренеприятные штуковины, и так долго били из них по нашим окопам, что мы понесли тяжелые потери, и с передовой вернулось только восемьдесят человек.

Маъноси:

Айнан охирги кунларда инглизлар ўзларининг даҳшатли кучга эга бўлган охирги “гўшт майдалагич”ларини юборишди ва улар узоқ муддат хандақларимизга зарба беришдан тўхташмади. Натижада биз оғир талофат кўриб, саксон кишигина қайтиб келдик холос.

Ўзбекча таржимаси:

Аксига олиб, худди ўша куни инглизларнинг қўли қичиб қолса бўладими! Замбаракларда шунақаям ўққа тутишдики, еру кўк ларзага келиб, окопларимиз тап-тайёр лаҳадга айланди-қолди. Бир маҳал қарасак, саксон кишигина омон қолибмиз. (6-бет)

Немисча аслиятдаги *viel Langrohr und dicke Brocken, englische Artillerie* (инглиз артиллериясининг оғир ва узун замбараклари) русча таржима матнига “инглизлар ўзларининг даҳшатли кучга эга бўлган охириги “англичане вдруг подбросили свои тяжелые «мясорубки», пренеприятные штуковины”(гўшт майдалагич”ларини юборишди) тарзида ўгирилган. Низом Комилов уни образли ибора билан “инглизларнинг қўли қичиб қолса бўладими! Замбаракларда шунақаям ўққа тутишдики” тарзида таржима қилади. Айни пайтда ўзбекча матнда ўзига хос таъсирчан “еру кўк ларзага келиб, окопларимиз тап-тайёр лаҳадга айланди-қолди” вариантыдаги “қўшимча”лар ҳам пайдо бўлиб қолганлигини айтиб ўтиш жоиз.

2.3. Роман таржимасидаги усуллар тўғрисида

Таржимашуносликда таржима усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Лингвистик таржима назариётчиларидан бири, таниқли рус олими

Л.С.Бархударов ўзининг “Тил ва таржима” (рус тилида) номли китобида

таржима усулларини “переводческие трансформации” деган термин билан

атайди. Бунга кўра у қуйидаги таржима усуллари мавжудлигини

таъкидлайди:

- 1) Перестановка (жой алмаштириш);
- 2) Замена (бошқа восита билан ифодалаш);
- 3) Прибавления (қўшимча қилиш);
- 4) Опушения (тушуриб қолдириш).

Рус олимнинг ушбу таржима усуллури ҳақидаги фикрларини юқоридаги бўлимларда ҳам айтиб ўтилган эди. Аммо аслиятдаги контекст, ёзувчининг ҳар бир образга, воқеликка юклаган юки нуқтаи назаридан қараганда ҳар бир ҳолатда ушбу усулларни қўллаш принциплари ўзгариб бораверади.

Маҳоратли таржимонлар қўллаган усулларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш таржимашунослик фанига, қолавеса, таржима асарлари сифатини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Қуйида ана шу ҳақида фикр юритилади.

А) Муқобил вариант билан алмаштириш усули.

Бу усул Ремарк асари таржимасида анчагина фаол қўлланилган йўллардан ҳисобланади. Айтиш керакки, Асарнинг ўзбекча таржимаси русча мтн асосида амалга оширилганлиги боис, кўп ўринларда рус таржимони Афонкин немисчадан сўзма-сўз усулда ўгирган ўринларга қарамй, ўзбек таржимони муқобил вариант қўллаш йўлидан борганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Зеро мақсад сўзни сўз билан эмас, баоки маънони маъно билан қайта яратиш эканлигини унутмайди таржимон.

Немисча аслиятда:

Sie sollten uns Achtzehnjährigen Vermittler und Führer zur Welt des Erwachsenseins werden, zur Welt der Arbeit, der Pflicht, der Kultur und des Fortschritts, zur Zukunft. Wir verspotteten sie manchmal und spielten ihnen kleine Streiche, aber im Grunde glaubten wir ihnen. Mit dem Begriff der Autorität, dessen Träger sie waren, verband sich in unseren Gedanken größere Einsicht und menschlicheres Wissen. Doch der erste Tote, den wir sahen, zertrümmerte diese Überzeugung. Wir mußten erkennen, daß unser Alter ehrlicher war als das ihre; sie hatten vor uns nur die Phrase und die Geschicklichkeit voraus. Das erste Trommelfeuer zeigte uns unseren Irrtum, und unter ihm stürzte die Weltanschauung zusammen, die sie uns gelehrt hatten.

Маъноси:

Биз, ўнсаккиз ёшли ўсмирларни балоғат ёшига кириб боришимизга, иш ўрнимизни топишимиз, имаданиятли ва тараққийпарвар бўлишимизда ва келажагимиз йўлида улар воситачи ва етакчи бўлишга бурчли эмасмидилар. Биз баъзан уларнинг ғашларига тегардик, кичгинагина ҳазил-хузул қилардик, аммо биз уларга ишонишга асос бор дердик. Уларнинг обрўъ-эътиборлари ва билимлари бизнинг тафаккуримизга мустаҳкам жойлашиб олганди. Аммо биринчи талофатли ўлимни кўришимиз билан, бу ишонч парчаланиб кетди. Биз бу Катта авлоднинг бизни кига нисбатан софдил эмаслигини англаб етишимиз керак эди; бизда уларнинг фақат чиройли ва бурро сўзлаган жумлалаларгина қолди. Замбаракнинг биринчи гумбурлашриёқ уларнинг бизга ўргатган нарсалари янглиш эканлигини ва дунёқарашимиз ҳам бунга қўшилиб биргаликда вайрон бўлаётганлигини кўрсатди.

Русча таржимаси:

Они должны были бы помочь нам, восемнадцатилетним, войти в пору зрелости, в мир труда, долга, культуры и прогресса, стать посредниками между нами и нашим будущим. Иногда мы подтрунивали над ними, могли порой подстроить им какую-нибудь шутку, но в глубине души мы им верили. Признавая их авторитет, мы мысленно связывали с этим понятием знание жизни и дальновидность. Но как только мы увидели первого убитого, это убеждение развеялось в прах. Мы поняли, что их поколение не так честно, как наше; их превосходство заключалось лишь в том, что они умели красиво говорить и обладали известной ловкостью. Первый же артиллерийский обстрел раскрыл перед нами наше заблуждение, и под этим огнем рухнуло то мировоззрение, которое они нам прививали. (стр.8)

Ўзбекча таржимаси:

Улар биздай ўн саккиз ёшли норасидаларнинг балоғат оламига киришимизга, меҳнат, бурч, маданият ва тараққиёт сари одим ташлашимизга ёрдам беришлари керак эди-ку. Биз билан келажагимиз ўртасида кўприк бўлиш ўшалардан лозиммасмиди?! Тўғри, баъзан биз уларнинг ғашларига тегардик, тегажожлик қилардик, бироқ юракларимиздан уларга ишонардик, обрўъ-эътиборларини тан олардик. Аммо биринчи ўлимни кўрганимиздаёқ бу ишончдан асар ҳам қолмади. Бу авлод бизнинг авлоддай софдил эмаслигини англаб етдик. Уларнинг устунлиги шунда эдики, чиройли гапиришни билишарди, *юлдузни бенравон урушни қотиришарди*. Замбаракларнинг гумбурлашини илк маротаба эшитганимизданок кўзимиз ярқ этиб очилди, улар бизга сингдирган эътиқод бомбалар остида кумпаякун бўлди.

Юқоридаги таржималарга эътибор берадиган бўлсак, немисча аслиятда катта авлоднинг ёш авлод олдидаги бурчи, бунда, айниқса, софдиллик, ростгўйлик масаласи ҳамма нарсадан устун туришини муаллиф алоҳида таъкидлаганлигини кўришиб турибди. Бунда Ремарк немис тилида

Wir mußten erkennen, daß unser Alter ehrlicher war als das ihre; sie hatten vor uns nur die Phrase und die Geschicklichkeit voraus (Бизнинг авлод улардан софдилроқ эканлигини тушуниб етишимиз керак эди; улар биздан жумлалар тузиш ва уддабуроликдагина устун туришарди) дейилади.

Буни рус таржимони:

Мы поняли, что их поколение не так честно, как наше; их превосходство заключалось лишь в том, что они умели красиво говорить и обладали известной ловкостью (Биз уларнинг авлоди бизникига нисбатан софдилроқ эмаслигини тушундик; уларнинг устун томнлари шунда эдики, улар чиройли гапира олишар ва ҳар нарсада уддабурро эдилар) тарзида деярли сўзма-сўз ўгиради. Аммо айтиш керакки, немисча аслиятда муаллиф “билмоқ” ва

“тушунмоқ” феълларини ўтган замонда қўллайди. Рус таржимони буни негадир ҳозирги замонда ўгирган.

Низом Комилов эса, рус таржимони матнига таянганлигини биламиз. Айни пайтда ўзбек таржимони русча матндаги *что они умели красиво говорить и обладали известной ловкостью (улар фақат чиройли сўзлаш ва маълум уддабурроликлари билан услун эдилар)*даги уддабурролик сўзига муқобил равишда янада таъсирчанроқ чиқадиган *юлдузни бенравон урушни қотиришарди* вариантини қўллайдики, бундай таржима усули муқобиллик Л.С.Бархударов таъкидлаган “замена” (муқобил вариант билан алмаштириш) га тўғри келади.

Б) Таржимада қўшимча қилиш усули.

Асарнинг дастлабки қисмларида муаллиф ёш синфдошларнинг фронтга борганлари, дастлабки уруш даҳшатларини кўрганлари ва ярадорлик, айниқса, нажотсиз лазаретда ётган, тез орада нагриги дунёга кетадиган ўртоқларини кўргани борган синфдошларни тасвирлайди. Бундай фожеали сахналарни китобхонга етказишни ўзи бўлмайди. Ремарк реалистик тасвир усулидан фойдаланиб, воқеа худди кўз ўнгингизда бўлаётгандай тасвирдайди. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дейишади. Ремаркнинг ўзи ҳам фронтда бўлган, урушнинг бундай даҳшатли талофатларига шоҳид бўлган одамгина бундай лавҳаларни ярата олади.

Немисча таржимада:

Müller schüttelt den Kopf: “Ich habe dir ja immer gesagt, daß man eine so gute Uhr nicht mitnimmt.” Müller ist etwas tapsig und rechthaberisch. Sonst würde er den Mund halten, denn jeder sieht, daß Kemmerich nicht mehr aus diesem Saal herauskommt. Ob er seine Uhr wiederfindet, ist ganz egal, höchstens, daß man sie nach Hause schicken könnte.

Русча таржимада:

Мюллер осуждающе качает головой:

— Я ведь тебе говорил, такие хорошие часы нельзя брать с собой.

Мюллер не очень хорошо соображает и любит поспорить. Иначе он попридержал бы язык: ведь каждому видно, что Кеммериху уже не выйти из этой палаты. Найдутся ли его часы или нет — это абсолютно безразлично, в лучшем случае их пошлют его родным. (стр.6)

Ўзбекча таржимада:

Мюллер танбехбергандай боши-боши қилди:

- Бунақа яхши соатни ёнингда олиб юрмагин деб неча марта айтгандим сенга!

Бефаросатда хумпар, шу гапнинг мавридими ҳозир: Кеммерих бу хонадан тирик чиқмаслиги кўришиб турибди-ку. Соати топиладими- йўқми – энди унга барибир, нари борса, ота-онасига жўнатиб юборишади (17-бет).

Аслиятда муаллиф *Müller ist etwas tapsig und rechthaberisch* (Мюллер анчагина қўпол ва ўжарда)ни рус таржимони *Мюллер не очень хорошо соображает и любит поспорить* (Мюллер тузукроқ мулохаза қилмайди ва бахслашишни ёқтиради) тарзида ўгиради. Ўзбек таржимони эса, *Бефаросатда хумпар, шу гапнинг мавридими ҳозир* тарзида ўгиради. Бунда Низом Комиловнинг аслиятдаги *не очень хорошо соображает* ни сўзма-сўз бефаросат деб ўгириши жуда тўғри, айти пайтда, таржимон аслиятдаги воқеъликка, Мюллернинг ўралигини ёрқинроқ тасвирлаш учун “хумпар” сўзини ҳам қўшиб қўяди. Бу ўринда Паулнинг ўз дўстига нисбатан танқидий муносабатини ифодалаш билан биргаликда уни яхши кўриши, унга ўзини яқин олиши тасвири ҳам яратилганки, бу тасвир моҳияти “хумпар”нинг ичида мавжудлигини китобхон тезда билиб олади. Бундай қўшимча қилиш усули таржимада ижобий натижа сифатида баҳоланиши керак.

3-боб. Таржимада қахрамонлар ўзига хослиги талқини масаласи.

3.1. Асар персонажлари индивидуал хусусиятлари ва унинг таржимавий талқини ҳақида.

Асар персонажлари индивидуал хусусиятлари ҳақида гапирганда роман аскарларга овқат тарқатиш эпизоди билан бошланади. Унда муаллиф ошпазни қуйидагича тавсиялайди:

Немисча аслиятда:

Gestern wurden wir abgelöst; jetzt haben wir den Magen voll weißer Bohnen mit Rindfleisch und sind satt und zufrieden. Sogar für abends hat jeder noch ein Kochgeschirr voll fassen können; dazu gibt es außerdem doppelte Wurst- und Brotportionen – das schafft. So ein Fall ist schon lange nicht mehr dagewesen: der Küchenbulle mit seinem roten Tomatenkopf bietet das Essen direkt an; jedem, der vorbeikommt, winkt er mit seinem Löffel zu und füllt ihm einen kräftigen Schlag ein. Er ist ganz verzweifelt, weil er nicht weiß, wie er seine Gulaschkanone leer kriegen soll.

Русча таржимасида:

Вчера нас сменили; сейчас наши желудки набиты фасолью с мясом, и все мы ходим сытые и довольные. Даже на ужин каждому досталось по полному котелку; сверх того мы получаем двойную порцию хлеба и колбасы, — словом, живем неплохо. Такого с нами давненько уже не случилось: наш кухонный бог со своей багровой, как помидор, лысиной сам предлагает нам

поестъ еще; он машет черпаком, зазывая проходящих, и отваливает им здоровенные порции. Он все никак не опорожнит свой «пищемет», и это приводит его в отчаяние.

Ўзбекча таржимада:

Кеча бизни алмаштиришди; ҳозир қоррнимиз тўқ – гўшти ловия бўтқага бурнимиздан чиққунча бўкканмиз, оғзимиз қулоғимизда. Буни қарангки, кечки насибамиз ҳам бутун бўлди: ҳаммамизга декчамизни тўлдириб-тўлдириб овқат сузиб беришди. Нон билан колбасани ҳам икки ҳиссадан олдик – қисқаси, ошиғимиз олчи. Кўпдан буён бунақаси бўлмаганди. Тепакал боши памилдордай қип-қизил ошпазимизнинг ўзи зўрлаб едиради. Ўтган-кетганга қалпоғини силкитиб чақириб олади-да, иложи бўлса, идишининг орқасига ҳам овқат солиб бергиси келади. У қозони бўшамаётганидан хуноб.
(5-бет)

Ажойиб манзара. Урушга эркаклар боради. Эрка кишининг ақли ошқозонидан киради, деган нақл бор. Биринчи жаҳон уруши тасвирини Ремаркчалик очик-ойдин тасвирлаган ёзувчи бўлмаса керак. Лев Толстой каби унда реал тасвирийлик, бепоёнликни қамраб ола билиш ҳам мужассам. Китобхон диққат билан ўқир экан, бундай лаҳзаларни ўз кўзи билан кўриб, иштирок этиб тургандай ҳис қилади. Юқоридаги тасвирни яқинроқдан қиёслашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бундан аввал рус таржимашунос олими

Немисча аслиятда ўқиймиз:

Gestern wurden wir abgelöst; jetzt haben wir den Magen voll weißer Bohnen mit Rindfleisch und sind satt und zufrieden.

Маъноси:

кеча кечқурун бизни алмаштиришди; ҳозир ошқозонимиз мол гўшти билан пиширилган ловияга тўла ва биз тўқ ҳамда хурсандмиз.

Русча таржимада:

Вчера нас сменили; сейчас наши желудки набиты фасолью с мясом, и все мы ходим сытые и довольные.

Русча таржима деярли сўзма-сўз бўлсада, фақат бир ўринда тушуриб қолдиришга йўл қўйилган. Аниқроғи, аслиятда айнан қандай гўшт эканлигини ифодаловчи *Rindfleisch* (мол гўшти) қўлланилган. Русча матнда бу тушуриб қолдирилган.

Ўзбекча таржимада:

Кеча бизни алмаштиришди; ҳозир қорримиз тўқ – гўштли ловия бўтқага бурнимиздан чиққунча бўкканмиз, оғзимиз қулоғимизда.

Ўзбек таржимони Л.С.Бархударов термини билан айтганда ўзга вариант билан алмаштириш (перестановка) усулидан фойдаланиб, таъбир жоиз бўлса, таржима тили имкониятларидан фойдаланган ҳолда аслият таржимада бир қадар экспрессив жиҳатдан кучайтирилган. Таржимон сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно билан бериб, қорни тўйгандан хурсанд бўлган аскарлар кайфиятини “*бурнимиздан чиққунча бўкканмиз, оғзимиз қулоғимизда*” варианты билан янада таъсирчан ифодалаб беради.

Асардаги **ошпаз**ни “**der Küchenbulle** mit seinem roten Tomatenkopf bietet das Essen direkt an; jedem, der vorbeikommt, winkt er mit seinem Löffel zu und füllt ihm einen kräftigen Schlag ein. Er ist ganz verzweifelt, weil er nicht weiß, wie er seine Gulaschkanone leer kriegen soll.” - тарзида ифодаланади. Русча таржимада “**наш кухонный бог** со своей багровой, как помидор, лысиной сам предлагает нам поесть еще; он машет черпаком, зазывая проходящих, и отваливает им здоровенные порции.”

Эътибор беринг: немисчада - **der Küchenbulle** (**ошхона буқаси**) – русчада - **наш кухонный бог** (**бизнинг ошпаз худоимиз**) – ўзбекчада – **ошпазимиз**. Демак, рус таржимони аслиятдаги “ошхона буқаси”ни “ошхона худоси”

билан алмаштирса, ўзбек таржимони шунчаки “ошпаз” билан кифояланади. Тўғрироғи ўзбекча таржимада аслиятдаги сўзнинг бир қисми тушуриб қолдирилган. Бу ҳам таржима усули. Аммо ўзбек таржимони бошқа ўринда буни тўлдиришга ҳаракат қилади. Немисча аслиятда муаллиф ошпазнинг аскарларга нисбатан яна овқат солиб бериш илинжида мурожаат қилишини “jedem, der vorbeikommt, winkt er mit seinem Löffel zu” (унинг ёнидан ўтаётган ҳар бир аскарга ошхона қошиғини силкитиб ...) тарзида берилса, русча таржимада “машет черпаком” (чўмични силкитиб) варианты билан ўгирилади. Ўзбекчада эса нимагадир “Ўтган-кетганга қалпоғини силкитиб чақириб олади-да...) варианты маъқул кўрилган. Чўмичнинг - қалпоққа айланиб қолганлиги сабабини тушунмасакда, умумий контекстга салбий таъсир кўрсатмаганлиги боис, матн бир теккида ўқилиб кетаверади.

Асар персонажларидан **Алберт Кроппни** Боймер аслиятда қуйидагича таърифлайди:

... *der kleine Albert Kropp*, der von uns am klarsten denkt und deshalb erst Gefreiter ist.

Русчасида:

... *коротышка Альберт Кропп*, самая светлая голова у нас в роте и, наверно, поэтому лишь недавно произведенный в ефрейторы;

Ўзбекчада:

... *пак-пакана Альберт Кропп*, ротадаги энг ақлли йигит, шундан бўлса керак, мана эндигина ефрейторликка кўтарилди.

Аслиятда Кроппни *der kleine* (*кичкина*) деб сифатланади. Аммо русча таржимада у негадир *пакана* (*коротышка*)га айланиб қолган. Аслида немис тилида паканани *der Knirps* дейилади. Ҳар қандай пакана ҳам кичкина бўлмаслиги мумкин. Аксинча у жуда семиз бўлса, каттароқ кўринишини инобатга олмасдан илож йўқ. Билвосита матндан ўгирган ўзбек таржимони

энди унинг бўйи пастлигини янада ошириб юборган: *пак-пакана Алберт Кропп*.

Таржимада аслиятдаги персонаж индивидуаллигини адекват акс эттириш таржимоннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу сабаб аслиятга яқинроқ келиш учун мутаржим ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратса, ёмон бўлмайди.

Асарнинг яна бир қаҳрамони **Мюллер Бешинчи** ҳақида Паул шундай дейди: “Müller V, der noch Schulbücher mit sich herumschleppt und vom Notexamen träumt; im Trommelfeuer büffelt er physikalische Lehrsätze; –”

Русча таржимада:

Мюллер Пятый, который до сих пор таскает с собой учебники и мечтает сдать льготные экзамены; под ураганным огнем зубрит он законы физики;

Мюллернинг физика дарасликларини қандай мураккаб шароитларда ҳам ўрганаётганлигини таърифлаб “im Trommelfeuer büffelt er physikalische Lehrsätze”! (довулсифат аланга ичида ҳам у физика дарсликлари жумлаларини обдон ўрганарди) дейилади. Русча таржимада бу жиҳат “под ураганным огнем зубрит он законы физики” аниқ ўгирилган. Ўзбек таржимони эса “ўқ дўлдай ёғилиб турганда ҳам физика қонунларини хижжалайди” тарзида бир қадар эркин ёндошади. Яъни, аслиятдаги *довулсифат олов* – ўзбекча таржимада *ўқ дўлдай ёғилиб тургандага* айланади. Аммо бу тасвирнинг янада таъсирчан ва ишончли чиқишига ишора берганлиги ҳам ҳақиқатдир.

3.2. Таржимада персонажлар портретини қайта яратиш.

Таржимада персонажлар нутқини қай яратиш таржимашуносликнинг долзарб муаммолари сирасига киритилади. Бу муаммони муайян асар, жумладан Эрих Мария Ремаркнинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романининг ўзбекча таржимаси мисолида қиёсий ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади. Ушбу асар русча таржимадан ўгирилганлиги юқоридаги бобларда айтиб ўтилди. Мавзуга оид яна бир мисол келтирамиз.

Немисча аслиятда:

Kantorek war unser Klassenlehrer, ein strenger, kleiner Mann in grauem Schoßrock, mit einem Spitzmausgesicht. Er hatte ungefähr dieselbe Statur wie der Unteroffizier Himmelstoß, der»Schrecken des Klosterberges«. Es ist übrigens komisch, daß das Unglück der Welt so oft von kleinen Leuten herrührt, sie sind viel energischer und unverträglicher als großgewachsene. Ich habe mich stets gehütet, in Abteilungen mit kleinen Kompanieführern zu geraten; es sind meistens verfluchte Schinder. (S.5)

Мазмуни:

Канторек қаттиқ интизомли, кулранг бурама сюртюк кийиб юрадиган кичкинагина одам бўлибсичқонсимон учли башараси бўлган киши бўлиб, бизнинг синф раҳбаримиз эди. У “Кломтерберг ғазоби” номини олган унтерофицер Ҳиммелштосдек пакана бўйли эди. У умуман олганда кулгили кўринарди. Ахир бутун дунёнинг кулфати ана шундай тинриб-тинчимас,

чидаб бўлмас даражада қилиқларга эга бўлган пакана одамлар касофати туфайли содир бўлса керак, деб ўйлардим. Айти пайтда бундай зикна одамлар доимо бошқаларга тинчлик бермас, уларнинг айбларини қидириш билан вақтларини ўтказардилар.

Русча таржимаси:

Канторек, строгий маленький человечек в сером сюртуке, с острым, как мышьяная мордочка, личиком, был у нас классным наставником. Он был примерно такого же роста, что и унтер-офицер Химмельштос, «гроза Клостерберга». Кстати, как это ни странно, но всяческие беды и несчастья на этом свете очень часто исходят от людей маленького роста; у них гораздо более энергичный и неуживчивый характер, чем у людей высоких. Я всегда старался не попадать в часть, где ротами командуют офицеры невысокого роста: они всегда ужасно придираются.

Ўзбекча таржимаси:

Паст бўйли, ҳаммавақт кулранг белбурма камзул кийиб юрадиган, башараси каламушникидай туртиб чиққан Канторек синфимиз раҳбари эди. “Клостерберг ғазаби” деб ном чиқазган кичик зобит Ҳиммелштоснинг бўйи ҳам уникдан баланд эмас. Шуниси қизиқки, дунёдаги жамики бало-қазолар пакана одамлардан чиқади; уларнинг феъл-атворлари новча кишиларникига нисбатан беқарорроқ. Шунинг учун ҳам пакана зобитлар командирлик қиладиган ротага тушиб қолмасликка тиришаман: *бунақалар тирноқ остидан кир қидирадилар.* (14-бет)

Бу портретда асардаги персонажлардан бирига таъриф берилган. Портрет персонаж ташқи кўринишини китобхонга етказишда муҳим рол ўйнайди. Ёзувчи портрет яратишда кўплаб ўхшатиш ва бошқа образли сўз ва иборалардан фойдаланади. Аслиятда Канторекнинг пакана бўйини таърифлаш билан биргаликда, унинг юз тузулишига нисбатан *kleiner Mann in*

grauem Schoßrock, mit einem Spitzmausgesicht, яъни кулранг бурма камзулли кичкина одам бўлиб, башараси сичқонсимон туртиб чиққан дейилади. Бу ерда немисча аслиятдаги сичқонсимон туртиб чиққан башара русча матнга с *острым, как мышинная мордочка* га ҳам сичқонсимон тарзда ўтган. Аммо ўзбекча таржимада Низом Комилов *башараси каламушникидай туртиб чиққан* тарзида қайта яратган. Сичқоннинг каламушга айлангани нотўғри эмас. Чунки ўзбекларда инсон башарасини ўхшатишда ана шундай таомил қабул қилинган. Аини патйда Канторек портрети, унинг табиатига хос бўлган жиҳатларни таърифлаб Ремарк пакана одамларга хос бўлган сифатлаш келтиради: *es sind meistens verfluchte Schinder* (улар кўпинча жуда ҳам қонингга ташна қилувчилар туридан бўладилар) деб таърифлайди. Буни рус таржимони *они всегда ужасно придираются* (улар доимо хаддан ташқари одам билдан ўчакишадилар) тарзида ўгиради. Низом Комилов бу ўринда ажойиб ибора қўллайди: *бунақалар тирноқ остидан кир қидирадилар*. Натижада Канторекка ўхшаганларнинг табиатига хос жиҳат ўзбек ўқувчисига жуда ҳам таъсирчан тарзда етказилади. Бундай усул мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекча таржимада бундац самарали усуллардан анчагина фаол фойдаланилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Канторекнинг синфдаги ўсмир йигитларни урушга юбориш мақсадида тилёҳламалик қилганлигини тавсифловчи қуйидаги лавҳага ҳам эътибор қилайлик:

Немисча аслиятда:

Ich sehe ihn noch vor mir, wie er uns durch seine Brillengläser anfunkelte und mit ergriffener Stimme fragte: “Ihr geht doch mit, Kameraden?” (S.5)

Русча таржимаси:

Помню как сейчас, как он смотрел на нас, поблескивая стеклышками своих очков, и спрашивал задушевым голосом: «Вы, конечно, тоже пойдете вместе со всеми, не так ли, друзья мои?» (стр.5)

Ўзбекча таржимада:

Ўшанда кўзойнақларини йилтиратиб, бизга маънодор тикилиб қарагани ва :
“Ҳамма билан бир ёқадан бош чиқарасизлар, шундай эмасми, дўстларим?” –
деб сўрагани ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. (14-бет)

Бу ўрида ҳам аслиятда *Ihr geht doch mit, Kameraden* (дўстлар, сизлар биргаликда кетасизлар-а?) тарзида ифодаланган бўлса, русчада *Вы, конечно, тоже пойдете вместе со всеми, не так ли, друзья мои?* (Сизлар, албатта, ҳамма билан бирга кетасизлар, шундай эмасми?- оғайнилар) варианты билан таржима қилинган. Ўзбек таржимони яна образли ибора қўллайди: “Ҳамма билан бир ёқадан бош чиқарасизлар, шундай эмасми, дўстларим?”

Таржимада портретни қайта яратишда Низом Комилов нафақат юқоридаги персонажлар, балки умуман бошқа ўринларда ҳам образли бирикмаларни “қўшиш” йўлидан илдам боравери ва ижобий натижага эришади. Қуйидаги лавҳага ҳам аҳамият қаратайлик:

Немисча аслиятда:

Einer von uns allerdings zögerte und wollte nicht recht mit. Das war Josef Behm, ein dicker, gemütlicher Bursche. Er ließ sich dann aber überreden, er hätte sich auch sonst unmöglich gemacht. Vielleicht dachten noch mehrere so wie er; aber es konnte sich niemand gut ausschließen, denn mit dem Wort »feige« waren um diese Zeit sogar Eltern rasch bei der Hand. Die Menschen hatten eben alle keine Ahnung von dem, was kam. Am vernünftigsten waren eigentlich die armen und einfachen Leute; sie hielten den Krieg gleich für ein Unglück, während die bessergestellten vor Freude nicht aus noch ein wußten, obschon gerade sie sich über die Folgen viel eher hätten klarwerden können. (S.6)

Русча таржимада:

Правда, один из нас все же колебался и не очень-то хотел идти вместе со всеми. Это был Иозеф Бем, толстый, добродушный парень. Но и он все-таки поддался уговорам, — иначе он закрыл бы для себя все пути. Быть может, еще кое-кто думал, как он, но остаться в стороне тоже никому не улыбалось, — ведь в то время все, даже родители, так легко бросались словом «трус». Никто просто не представлял себе, какой оборот примет дело. В сущности, самыми умными оказались люди бедные и простые, — они с первого же дня приняли войну как несчастье, тогда как все, кто жил получше, совсем потеряли голову от радости, хотя они-то как раз и могли бы куда скорее разобраться, к чему все это приведет (стр 6).

Ўзбекча таржимада:

Тўғри, орамизда биттаси – гўштдор, ипакдек мулойим Йозеф Бем ҳамма билан бир ёқадан бош чиқаришни истамай, ўзини орқага ташлаб кўрди. Лекин провардида рози бўлишдан бошқа иложи қолмади, акс холда унинг учун ҳамма эшиклар беркиларди. Эҳтимол, яна кимнингдир унга ўхшагиси келгандир, бироқ “*кўпга келган тўй*”дан четда туриш ҳеч кимга насиб этмади, бунинг устига, ўша кезлари “кўрқоқ” деган сўз кўпчиликнинг, хатто ота-оналарнинг ҳам оғзидан тушмасди-да. Нима бўлгандаям, биров хатто тасаввур ҳам қилолмасди. Тўғрисини айтганда, оддий ва камбадал одамлар ақллироқ чиқиб қолишди – улар дастлабки кунлариданоқ урушнинг турган битгани кулфат эканини англаб етдилар, ваҳоланки, ўзига тўқлар совуқ хабарни эшитиб *териларига сизмай кетишди*, аммо урушнинг оқибати нима бўлишини ўшалар илгарироқ фаҳм этиши керак эдику. (15-бет)

Асялитядаги матнда персонажлардан Бем ва унинг табиати тўғрисида гап боради. У дастлаб урушга боришни хоҳламайди. Кейин атрофидагиларнинг қистови, сиёсат ва гап-сўзлардан безор бўлгач, бошқа чораси қолмайди. Унинг портретига хос *Das war Josef Behm, ein dicker, gemütlicher Bursche* (*Бу семиз, ёқимтой ўспирин йигит Йозеф Бем эди*)

дейлади. Русча таржимада Афонкин уни *Это был Иозеф Бем, толстый, добродушный парень (Бу семизгина, кўнгилчан йигит эди)* тарзида ўтиради. Низом Комилов *орамизда биттаси – гўштдор, ипакдек мулойим Йозеф Бем* вариантыда семиз сифатлаши ўрнига гўштдор, ёкимтойнинг ўрнига ипадек мулойим вариантыни келтиради. Ўрин алмаштириш, муқобил вариантлардан бирин маҳорат билан қўлланади. Русча аслиятда *но остаться в стороне тоже никому не улыбалось (аммо ўзини четга олиш ҳеч кимга қулимб боқмаганди)* ўрнига Низос Комилов “*кўпга келган тўй*”дан четда туриш ҳеч кимга насиб этмадини қўллаб янада таъсирчан тасвир ярата олганлигини таъкидлаш керак. Шунингдек, ўзига тўқ одамларнинг уруш хабарини эшитгандан сўнг таассуротларини Ремарк *кто жил получше, совсем потеряли голову от радости (ўзига тўқ яшаётганлар хурсандликларидан умуман ўзларини йўқотиб қўйишди)* дейди. Низом Комилов яна образли иборани ўринлатиб қўллайди: ўзига тўқлар совуқ хабарни эшитиб *терилярига сизмай кетишди.*

Демак, портрет яратишдаги таржимон маҳоратлари сирасига таъсирчан, образли иборалардан ўринли фойдаланиш, Л.С.Бархударов кўрсатиб ўтган таржимавий трансформация усулларидан “прибавления” (қўшимча қилиш) ёки “замена” (алмаштириш) кабилар самарали натижа бериши мумкин экан.

3.3. Асардаги образли тасвир воситалари таржимаси муаммолари.

Ҳар қандай бадиий асар образлар силсиласидан ташкил топади. Образни яратиш ашъеси (материали) тилдир. Айнан тилдаги воситалар билангина муаллиф асар ярата олади. Муаммо қайси сўзни қаерда қандай қўллашда. Эрих Мариа Ремаркнинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” асарида муаллиф персонажлар нутқида турли-туман образли тасвир воситалари, лисоний бирликлардан маҳорат билан фойдаланган. Агар рассом бўёқ билан иш кўрса, ёзувчи сўз билан рангбарнг тасвир яратади. Ҳар иккаласи ҳам тасвирлайди ва ишонтиришга ҳаракат қилади. “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романидаги китобхон эътиборини тортадиган персонажлардан бири – ошпаздир. Бундай караганда муаллиф унга тайинли бир исм ҳам қўймаган. Ремаркчалик уруш даҳшатини очик-ойдин, бепарда, бутун даҳшати билан тасвирлаган ёзувчи бўлмаса керак. Ўз китобхонига раҳми келган муаллиф ўрни-ўрни билан кулгили, ҳазиломуз эпизодларни ҳам киритади. Бу ўринда Ремарк услубига хос бўлган юмот билан фожеали воқеларни қалб призмасидан ўтказиб юбориш маҳоратини кўраимиз. Бу жиҳат кўп томондан ўзбек менталитетига ҳам ўхшаб кетади. Тўғриси айтганда ўзбеклар билан немислар ўртасида кўплаб муштаракликлар бор. Жумладан, соддадиллик, ишонувчанлик, юморни, кулгини яхши кўриш, энг фожеали шароитда ҳам кулгига ўрин бера олиш кабиларни мисол келтириш мумкин. Асарнинг дастлабки қисмларида муаллиф китобхонни аста-секинлик билан уруш даҳшати эпизодларини тушунишга, ҳазм қилишга тайёрлайди. Биргина овқат тарқатиш эпизодининг ўзида фронт шароитида ортиғи билан оқат тарқатиш деярли удумга кирмаганлиги, кирса ҳам бу тасодиф эканлигини билиб оламиз. Бу жиҳатни

асакар билан ошпаз ўртасидаги кўпол муносабатдан ҳам англай бошлаймиз. Муаллиф ҳам бу фикрга кўшилган ҳолда ошпазнинг ўзига лақаб қўйиши шундан нишона эканлигини ҳам фаҳмлай бошлаймиз. Қуйидаги лавҳа ва унинг таржимадаги талқинларига эътибор қаратайлик.

Немисча аслиятда:

Die Tomate machte ein dummes Gesicht. Tjaden tanzte um sie herum. “Das schadet dir gar nichts! Als ob ihm das Proviantamt gehört, so tut er. Und nun fang an, du alter Speckjäger, und erzähle dich nicht - Häng dich auf!” - fauchte die Tomate. Sie war geplatzt, so etwas ging ihr gegen den Verstand. Sie begriff die Welt nicht mehr. Und als wollte sie zeigen, daß nun schon alles egal sei, verteilte sie pro Kopf freiwillig noch ein halbes Pfund Kunsthonig.

Маъноси:

Памидор ахлоқона қараш қилди. Тяден унинг атрофида рақсга туша бошлади. “Бу сенга зарар қилмайди. Ўзингни моддий таъминот бўлими эгасидай тутусана. Қани бўла қол, сен қари чайқовчи, ҳисобдан адашма, берадиганингни берақол” – дўнғиллади у Памидорга. У атрофда нималар бўлаётганини фарқ олмай қолганди. Унга барчаси барибирдай бўлиб қолганди, шу тариқа у ҳар бир бошга ярим қадокдан сунъий асар ҳам тарқатиб чиқди.

Русча таржимаси:

Физиономия Помидора приняла глупое выражение. Тяден приплясывал вокруг него:

— Ничего, тебя от этого не убудет! Воображает, будто он ведает всей интендантской службой. А теперь начинай, старая крыса, да смотри не просчитайся!..

— Сгинь, висельник! — прошипел Помидор. Он готов был лопнуть от злости; все происшедшее не укладывалось в его голове, он не понимал, что творится на белом свете. И как будто желая показать, что теперь ему все едино, он сам роздал еще по полфунта искусственного меду на брата.

Ўзбекча таржимаси:

Памилдорининг турки ўзгариб кетди. Тяден эса унинг атрофида диконглай бошлайди:

- Ўла! Бир еринг камайиб қолармиди?! Ўзингни бутун армиянинг моддий таъминоти бўйича кўмондондай тутасана! Бўла қол, қари каламуш, суз, қорин таталаб кетди.
- Ўчир, ярамас! – деб пишқиради Памилдори аламини кимдан олишини билмай. Бунақа нарсаларни у ақлига сиғдиролмас, умуман, ёруғ дунёда нималар бўлаётганини англаб етолмасди. Кейин, бургага аччиқ қилиб деймизми, ҳаммамизга ярим қадоқдан сунъий асал ҳам улашиб чиқди (10-бет).

Роман қаҳрамонларидан ошпаз ҳамда Тяденлар нутқида келтирилган юқоридаги лавҳадан мавжуд шароит, контекстни билиб олиш қийин эмас. Уруш пайтида озиқ-овқат, айниқса, иссиқ овқатнинг қанчалик муҳимлигини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ремарк ижодида бу жиҳат ўз даврининг энг етук асари даражасига кўтарила олган. Муаллиф асар персонажлари нутқини таъсирчан қилиш, унинг индивидуал хослигини таъминлаш мақсадида қаҳрамоннинг касб-кори, ёши, эгаллаб турган лавозими, жинси ва бошқа хусусиятларига қараб гапиртиради, унга юк юклайди. Муаллифнинг ўзи кезўи келганда қаҳрамонларининг табиати ва кўринишига қараб “лақаб” кўяди. Жумладан, ошпазни аслиятда *Die Tomate* – помидор деб номлайди. Ўзбек адабий тилида “помидор” дейилишини биламиз. Аммо Низом Комилов негадир “*Памилдори*” вариантини маъқул кўради. Бундай сўз Тошкент шеvasига хослигини таъкидлаш мумкин. Намангандиклар “*патинжон*” ҳам

дейишади. Аммо таржимада, агар услубий хослик муаммолари талаб қилмайдиган бўлса, адабий тилдаги вариантни қўллавериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асар қаҳрамонларидан Тяден ошпазга нисбатан ўзининг нафратини яширолмаганлиги боис бир қадар қўпол сўзларни ҳам аямай гапираверади. Командирнинг ошпазга қарата йигитларимизга ҳам сузинг деган буйруғидан турки ўзгариб қолган памидорсифат ошпазга қарата шундай дейди:

3.3. Асарда муаллиф сўзи таржимаси хусусида

Муаллиф сўзи бадиий асар мавзуси, муаллифнинг мақсад-муддаоси, айниқса, роман жанри каби йирик асарларни ўқишга китобхонни тайёрлаш босқичи ҳисобланадиган бадиий асар экспозициясининг ишонарли, таъсирчан ва бадиий жиҳатдан салмоқли чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Бунга Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи бошланишидаги муаллифи сўзи “ Ёзғучидан. Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришқа ўзимизда мажбурият ҳис этамиз. Ёзмоққа ниятланганим ушбу — «Ўткан кунлар», янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчилик-лар билан майдонга чиқиши, аҳлларининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзунини мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тари-химизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгуладим.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)(<http://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-qodiriy/abdulla-qodiriy-otkan-kunlar-roman/>)

Немис носури Эрих Мариа Ремаркнинг ҳам муаллиф сўзи ҳам таъсирчанликда ўзбек романи асосчисидан кам эмас дейиши мумкин. Қуйидаги қиёсларга мурожаат қилайлик.

Асарнинг немисча аслиятида:

*Dieses Buch soll weder eine Anklage
noch ein Bekenntnis sein.
Es soll nur den Versuch machen,
über eine Generation zu berichten,
die vom Kriege zerstört wurde -
auch wenn sie seinen Granaten entkam.*

Маъноси:

*Ушбу китоб шикоят ҳам,
дил изҳори ҳам эмас.
Бу бир уруш туфайли гранаталар
остида ўлиб кетмаган бўлсада,
бадном бўлган авлод тўғрисидаги ҳикоя
қилишига урунишидир.*

Русча матнида бу ҳолат қуйидагича берилган:

“Эта книга не является ни обвинением, ни исповедью. Это только попытка рассказать о поколении, которое погубила война, о тех, кто стал ее жертвой, даже если спасся от снарядов.”

Автор

Ўзбекча таржимаси:

“Бу китоб айбнома ҳам, авфнома ҳам эмас, бу шунчаки уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарак ўқидан омон қолган бўлсада, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изҳоридир.”

Муаллиф

Немис ёзувчиси Ремарк билан ўзбек адиби Абдулла Қодирий муаллифлик сўзларида уйғун нуқталар эътиборни тортади. Бу ҳам бўлса, Қодирийдаги *кичкина бир тажриба*, Ремаркда эса - *nur den Versuch machen* (*фақатгина бир уруниш*) каби камтарона тавсифлар икки буюк адибнинг деярли бир даврда дунёнинг икки қутбида муштарак тафаккурга эгаликлари кишини ҳайратлантиради.

Айни пайтда юқоридаги таржима қиёсига эътибор қаратсак, ўзбек таржимони Низом Комиловнинг ўзбек тили имкониятларидан нақадар зукколик, катта маҳорат билан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Таржимон Ремаркни ўзбекча гапиртирар экан, ўзбек насрида анъанага айланган ички оҳангдорлик, насрий сажъ, сўзларни ўзаро қофиялашга уруниш воситаларидан фаол фойдаланганлиги таржима ўқувчисини қувонтириши табиий. Жумладан, юқоридаги немисча аслиятда Ремарк *“Dieses Buch soll weder eine Anklage noch ein Bekenntnis sein”* (*Ушбу китоб шикоят ҳам, дил изҳори ҳам эмас*) деса, уни рус таржимони *“Эта книга не является ни обвинением, ни исповедью”* деб деярли сўзма-сўз ўгиради. Ўзбек таржимони эса, муқобиллар ичидан янада мосроғини танлайди: *“Бу китоб айбнома ҳам, авфнома ҳам эмас”*.

Қаранг, қанчалик мутаносиблик. Профессор Ғайбулла Саломов таъбири билан айтганда *“Шаклдан қочиб, маънога яқинлашиш”* содир бўлган.

ХУЛОСА

Эрих Мария Ремарк Германия антифашист адабиётининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Унинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” номли романи асар ёзилган йиллардаёқ бутун дунёга машҳур бўлиб, турли тилларга таржима қилина бошланди. Ушбу асарни ўзбек тилига маҳоратли таржимон Низом Комилов таржима қилди. Таржима билвосита рус тили орқали амалшга оширилганлиги айтиб ўтилди. Малакавий ишимиздаги таҳлиллар натижасидан қуйидагиларни хулоса сифатида айтиш мақсадга мувофиқ:

- Бадиий таржимада фаҳрамон интнвидуал хусусиятини қайта яратиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Санъатнинг чинакам санъатлилиги унинг индивидуаллигида эканлигини таъкидлаш лозим;
- Билвосита таржимада воситачи тилнинг аломатлари таржима матнда ўз изини қолдиради. Таржимон бу жиҳатларни эътибордан қочирмаслиги керак;
- Немис адабиётининг ёрқин сиймоси, антифашист ёзувчи Эрий Мария Ремарк ижодининг ўзбекча таржимадаги жарангосини, услубий қайта яратиш масалалари қаҳрамонлар индивидуаллиги билан боғлиқдир;
- Қаҳрамонлар портрети масаласи ҳам образлар индивидуаллигини таржимада қайта яратиш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир;
- Образли тасвир воситаларини немис-рус-ўзбек тиллари мисолида қиёсий ўрганилиши таржима сифатини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади;
- Низом Комилов асарни рус тили воситасида ўгирган бўлсада, аслиятнинг асосий моҳиятини, хусусан, унинг қаҳрамонлари индивидуал ўзига хослигини сақлаб қолишга эришган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Karimov I.A. CHet tillarni o'rganish tizimini yanada tabomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublibasi Prezidenti Farmoni. 1875-sonli. // Xalq so'zi gazetasi. 11.12.2012 (5660-son).
2. Mirziyov SH.M. Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida. Xalq so'zi gazetasi. 21.04.2017.
3. Albrecht Joern. Linguistik und Uebersetzung - Tuebingen: Niemeyer, 1973.
4. Bech Rudolf. Terminologie der Literaturwissenschaft. Ein Handbuch fuer Anglistikstudium. – Ismaning: Hueber, 1997.
5. Budin Gerhard und Buehler Hildegund. Grundsuetzen und Methoden der neueren Terminographie. In Hoffmann, L. Kalverkaemper H., Wiegand H.E. in Verbindung mit Galinski Ch. Und Huellen W. (Hrsg), *Fremdsprachen*.

- Ein internationales Handbuch zur Fachsprachenforschung und Terminologiewissenschaft – Berlin/New-York: de Grueter, 1998.
6. Catford John. Linguistic theory of translation – London: Oxford, 1965.
 7. Erich Prunc. Entwicklungslinien der Uebersetzungswissenschaft – Graz: Frank Timme Verlag fuer wissenschaftliche Literatur. Berlin, 2007.
 8. Fleischmann E., Kutz W., Schmitt P. Translationsdidaktik. Grundfragen der Uebersetzungswissenschaft – Tuebingen: Narr, 1997.
 9. Gerzymisch-Arbogast Heidrun. Uebersetzungswissenschaftliches Propaedeutikum – Tuebingen: Francke, 1994.
 10. Gerzymisch-Arbogast Heidrun und Muderbach Klaus. Methoden des wissenschaftliches Uebersetzens. – Tuebingen-Basel: Francke, 1998.
 11. Grbic Nadja und Wolf Michaela. Text-Kultur-Kommunikation. Translation als Forschungsaufgabe – Tuebingen: Staufenburg- Verlag, 1997.
 12. Guettinger Fritz. Zielsprache. Theorie und Technik des uebersetzens. – Zuerich: Manesse, 1993.
 13. Jean Delisle, Hannalore Lee-Jahnke, Monique C.Cormier. Terminologie der Uebersetzung. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamin Verlag, 1999.
 14. Hoenig Hans G. und Kussmaul Paul. Strategie der Uebersetzung. – Tuebingen: Narr, 1982.
 15. Knobloch Jochan. Sprachwissenschaftliches Woerterbuch. – Heidelberg: Winter Verlag, 1986.
 16. Koller Werner. Grundprobleme der Uebersetzungstheorie. – Berlin-Muenchen: Francke, 1972.
 17. Kussmaul Paul. Uebersetzen als Entscheidungsprozess. Die Rolle der Fehleranalyse in der Uebersetzungsdidaktik. In Snell-Hornby, Marie (Hrsg), Uebersetzungswissenschaft – Eine Neuorientierung. Zur Integrierung von Theorie und Praxis. – Tuebingen: Francke, 1994.
 18. Kussmaul Paul. Training the Translator – Amsterdam: John Benjamin's, 1995.

19. Langenscheidts Großwörterbuch. Langenscheidt KG, Berlin und München, 1993.
20. Neubert A. Pragmatische Aspekte der Übersetzung. - Leipzig. 1968. S.30-31.
21. Nord Christiane. Loyalität statt Treue – Vorschläge zu einer funktionalen Übersetzungstypologie // In *Lebenden Sprache*. 34 (3), 1989. – S.100-105.
22. Nord Christiane. Einführung in das funktionale Übersetzen: *am Beispiel von Titeln und Überschriften*. – Tübingen: Francke, 1993.
23. Plett Heinrich F. *Einführung in die rhetorische Textanalyse*. – Hamburg: Buske, 1979.
24. Poeckl Wolfgang und Reiner Franz. *Einführung in die romanische Sprachwissenschaft*. – Tübingen: Niemayer, 1979.
25. Prunč Erich. Einführung in die Translationswissenschaft: Universität Graz, 2000.
26. Prunč Erich. Translationskultur. Versuch einer konstruktiven Kritik eines translatorischen Handelns. / In Vermeer H.J. und Holz Maenttari J (Hrsg) *Textcontext* Voll.NF 2. Nr.2. S.99-127.
27. Reiss Katharina. *Texttyp und Übersetzungsmethode – der operative Text*. – Kronberg: Scriptor Verlag. Wissenschaftliche Veröffentlichungen, 1976.
28. Reiss Katharina. *Möglichkeiten und Grenzen der Übersetzungskritik. Kategorien und Kriterien. Für eine sachgerechte Beurteilung von Übersetzungen*. – München: Hueber Verlag, 1986.
29. Reiss K., Vermeer H.J. *Grundlagen einer allgemeinen Translationstheorie*. – Tübingen: Niemayer, 1984.
30. Remarque Erich Maria. *Im Westen nichts Neues. Roman*. – Verlag Ulstein: 1928, 1966, 1990.
31. Ремарк Эрих Мариа. *Ҳарбий фронтда ўзгариш йўқ. Рус тилидан Низом Комилов таржимаси*. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2015.

32. Salevsky Heidemarie. *Wissenschaftliche Grundlagen der Sprachmittlung*.
Berliner Beiträe der Uebersetzungswissenschaft. – Frankfurt am
Main/Berlin: Peter Lang Verlag, 1992.
33. Schreiber Michael. Uebersetzung und Bearbeitung. – Tuebingen: Narr,
1993.